

Ҳадис дарси (65-дарс). Ислом дини таълимотлари



17:50 / 25.12.2019 6054

Маълумки, Ислом дини янги келган пайтда дунёни ширк босиб ётар, одамлар Аллоҳ таолога ширк келтирар эдилар. Ҳатто туясини қумга соғиб, лой қилиб, ўзига «худо» ясаб оладиганлар ҳам бор эди. Ҳазрати Умар мушриклик пайтларида хурмо мевасини бир-бирига ёпиштириб, «худо» ясаб, унга ибодат қилганини, кейин қорни очиб, ўша «худо»ни еб қўйганини айтиб, жоҳилият аҳмоқлиги устидан кулиб юрар эдилар.

Ана шундай ҳолатда Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни тавҳид (яккахудолик) дини ила юборди. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўн уч йил давомида қилган ишлари кишиларни «Лаа илааҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулulloҳ»га чақиритиш бўлди. Ўша даврда нозил бўлган ояти карималарнинг маъноси ҳам шу эди. Айтилган ҳадиси шарифларнинг маъноси ҳам шу эди. Дарҳақиқат, ўша пайтда шаҳодат калимасини айтганлар комил мўмин бўлганлар. Чунки дастлабки пайтларда Исломнинг арконлари, ибодатлари ҳали жорий қилинмаган эди. Табиийки, ўша пайтда шаҳодат калимасини айтиб, ушбу ҳадисда зикр қилинган нарсаларга гувоҳлик берганлар вафот этсалар, албатта жаннатий бўлганлар. Чунки улар ўша даврда жорий бўлиб турган Аллоҳнинг амрини тўлиқ адо этиб туриб, вафот этганлар.

Кейинчалик, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилганларидан сўнг бирин-кетин бошқа рукнлар, дин

аҳкомлари жорий қилина бошлади. Энди мусулмонлар шаҳодат калимасини айтиш билан кифояланиб қолмасдан, ана шу рукнларни, аҳкомларни ҳам адо этишлари лозим бўлди. Аллоҳ таоло ояти карималарда мазкур рукн ва аҳкомларни бажармаганлар дўзахга тушишини айта бошлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўз ҳадисларида ушбу маъноларни баён эта бошладилар. Энди «Шаҳодат калимасини айтган одам жаннатга тушади» деган гап билан кифояланилмайдиган бўлди. Бундан буён «Шаҳодат калимасини айтган, намоз ўқиб, рўза тутган, закот бериб, ҳажга борган одам жаннатга киради», дейилдиган бўлди. «Шаҳодат калимасини тасдиқ қилмаган киши дўзахга тушади», дейиш билан бирга, «намоз ўқимаган, рўза тутмаган, имкони бўла туриб, закот бермаган, ҳажга бормаган киши ҳам дўзахга тушади», дейила бошланди.

«Шаҳодат калимасини айтса бўлди, бошқа нарсаларнинг кераги йўқ», деганларнинг бу гапида заррача ҳам мантиқ йўқ. Агар шаҳодат калимасини айтиш етарли бўлса, Аллоҳ таоло нима учун бошқа рукн ва аҳкомларни фарз қилди? Ўша мантиқсиз шахслар ўзларининг мантиқсиз гаплари билан гуноҳи азимга журъат қилган бўладилар.

Бундай ҳолларда масаланинг туб моҳиятини, ҳамма тарафни атрофлича ўрганиб, сўнгра ҳукм чиқариш керак. Мисол учун, «Рўзадор киши Райян номли эшикдан жаннатга киради», деган маънода ҳадиси шариф бор. Шу ҳадисни далил қилиб: «Мен рўза тутсам бўлди, бошқа рукнларни ва аҳкомларни адо қилмасам ҳам жаннатга кирман», дейиши мумкинми? Йўқ, албатта!

Демак, «Аллоҳ таоло ушбу ҳадисда зикр қилинган нарсаларга гувоҳлик берган одамни, у нима амал қилган бўлса ҳам, жаннатга киритади», дейиш Исломнинг дастлабки, иймондан бошқа рукн ва аҳкомлари жорий қилинмаган даврига хосдир. Кейинги даврда қайси рукн жорий қилинган бўлса, у ҳам қўшилиб кетаверган. Шунинг учун намоз фарз қилинган даврдаги ҳадисларга қарасак, уларда «Намозни вақтида адо қилган одам жаннатга тушади», дейилган. Рўза фарз қилинган вақтдаги ҳадисларда рўзани тутган одам, закот фарз бўлган даврдаги ҳадисларда закот берган одам, ҳаж фарз бўлган даврдаги ҳадисларда ҳаж қилган одам жаннатга тушади, дейилган. Ҳаммаси мукамал бўлгандан кейин айтилган ҳадисларда эса мазкур рукнларнинг ҳаммаси қўшиб айтилгани ҳам бор.

Ислом дини таълимотлари бир соат, бир кун ёки бир йилда жорий қилингани йўқ. Балки, йигирма уч йил давомида, аста-секин жорий қилинди. Иймон масаласи мураккаб масала бўлганидан, мазкур йигирма уч

Йилнинг катта қисми – ўн уч йили иймонни мустаҳкамлашга қаратилди. Қолган ўн йилда бошқа рукн ва аҳкомлар аста-секин, бирин-кетин жорий қилинди. Ушбу ҳақиқатни тўғри англаб етиш юқоридагиларга ўхшаш масалаларни тушунишга ёрдам беради. Бошқа вазиятда айтилган бир ҳадисни ушлаб олиб, Исломнинг бир рукни, яъни иймон рукнидан бошқа ҳамма рукн ва аҳкомларини бекорга чиқариб юборишга ҳеч ким ҳақли эмас. Аллоҳнинг хоҳиш иродаси билан ҳадиси шарифларни ўрганиб боришимиз давомида бунга ўхшаш масалалар кейинги дарсларимизда яна ҳам равшан бўлиб боради.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан